# ҚОНУНГА ИТОАТ — ЮКСАК ҚАДРИЯТ



**Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи, юридик фанлари номзоди**

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий йўналишлари бевосита Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Айни пайтда Адлия вазирлиги томонидан бу борада қуйидаги йўналишлар бўйича иш олиб борилмоқда:

— аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Конституция ва қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқот қилиш;

— ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш, қонун ҳужжатларини туркумлаш, ҳуқуқий ахборот тизимини олиб бориш, қонунларга шарҳлар бериш;

— малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, юристларнинг малакасини ошириш;

— тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

— хўжалик юритувчи субъектларга шартнома интизоми, қоида-талабларига амал қилиш бўйича тушунтиришлар бериб бориш;

— ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга оид илмий-амалий конференция, давра суҳбати, семинарлар ўтказиш;

— радио ва телевидениеда туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида мақолалар бериб бориш.

Аҳоли орасида табақаланган ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб бориш, яъни биринчидан, аҳолининг кенг қатламлари — маҳалла, одамлар гавжум жойларда, иккинчидан, аҳолининг фаол қисми — тадбиркорлар ва ишлаб чиқариш корхона, ташкилотларида ҳамда учинчидан, аҳолининг ёш қатлами — боғча, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида уларнинг хусусиятларига мос тарғибот олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ҳуқуқий тарғибот таъсирчанлигининг ошиши, кўзланган мақсадга эришишда муҳим восита бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам аҳоли орасида, айниқса, маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда қонун талабларини тушунтириш, ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва фуқароларга етказиш бўйича тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш, солиқ, шартнома муносабатлари, банк-кредитлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишга оид қонун, фармон, қарор, низомларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, кичик ва ўрта бизнес, хўжалик юритувчи субъектлар орасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғиботнинг асосини ташкил этади.

Адлия идоралари томонидан жорий йилда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг фаолиятини лицензиялаш, кредит, ер беришдаги қонунбузарликлар, тадбиркорлар маблағини ноқонуний жалб қилиш, асоссиз текшириш, хўжалик фаолиятига аралашиш, назорат қилувчи идоралар ходимлари томонидан тадбиркорнинг ҳуқуқларини бузиш каби ҳолатлар бўйича адлия идоралари томонидан кўрилган чоралар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача телевидениеда 120 та кўрсатув берилди, радиода 95 та эшиттириш ташкил этилди, марказий газета ва журналларда 98 та мақола чоп этилди, 284 та тадбиркорлар билан махсус семинар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини ошириш бўйича ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганига қарамасдан уларнинг хўжалик-молиявий фаолиятига ноқонуний аралашиш, ривожланишига тўсқинлик қилиш каби ҳолатларнинг мавжуд бўлиши иқтисодий тараққиётимизга тўсиқ деб қаралиши ва бундай қонунбузарликларга қарши ҳуқуқий чора-тадбирлар билан курашиш лозимлигини кўрсатади.

Ушбу соҳадаги тарғибот ишларининг аҳамияти шундаки, бевосита мансабдор шахслардан тадбиркорлар фойдасига 46,3 млн сўм моддий, маънавий ва бой берилган фойда судлар томонидан ундириб берилиб, ушбу суд жараёнлари марказий ва маҳаллий телевидениеда, газеталарда мунтазам ёритилиб, қонунбузарликларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган фуқаролар адлия идораларига 1095 та ариза ва шикоятлар билан ноқонуний ҳолатлар бўйича мурожаат қилиб, 396 та аризадаги ноқонуний текширишлар ўз ечимини топди, 449 та ҳолат бўйича малакали ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"** амалиётга жорий этилди. Бу каби тадбирлар маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан ўтказилаётган ноқонуний текшириш ва аралашишларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда, ишбилармонларнинг қонун кучига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Фикримизча, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш учун нафақат адлия идоралари, балки ҳокимият, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқармаларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш жуда муҳимдир.

Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида"**-ги Фармонида оммабоп ҳуқуқий адабиётларни 50 фоизга арзонлаштириш алоҳида белгиланган. Аммо ҳозирча бу масала ўз ечимини топгани йўқ. Бу эса ҳуқуқий адабиётларнинг аҳоли орасида кенг тарқалишига қийинчилик туғдирмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан танишиб боришлари учун имконият яратиш мақсадида вазирлигимиз томонидан 2002 йилда Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларини ўз ичига олувчи 7 томдан иборат "Тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" ҳамда 18 номдаги тадбиркорлик фаолиятининг йўналишлари бўйича асосий тушунчалар, меъёрий ҳужжатлар намуналарини ўз ичига олган серияли қўлланмаларни нашр этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Вазирлик ходимлари ва ТДЮИ профессор-ўқитувчилари томонидан қонунчиликнинг долзарб муаммоларини аниқлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, бу борадаги қонун ижодкорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида 19 та ишчи гуруҳи тузилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг 35 нафари ТДЮИ кафедраларида аспирант-тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда ишчи гуруҳлар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, банк ва кредитлаштириш, солиқ, божхона, акциядорлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хусусий мулк, диний экстремизим ва терроризмга қарши кураш қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан ўтказилиб, уларнинг анжуманлар материаллари вазирликнинг газета-журналларида чоп этилди.

Қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тезкорлик билан аҳолига етказиш, улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида вазирлик ҳузурида Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу электрон база барча қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий ахборотларни замонавий электрон технологиялар, тегишли ахборот-қидирув тизими ёрдамида туркумланган ҳолда глобал интернет тармоғи ва бошқа маълумотларни узатиш каналлари орқали тезкор тарқатиш имкониятини беради. Яратилаётган электрон базадан барча давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, тадбиркорлик субъектлари, жисмоний ва юридик шахслар эркин фойдаланиши учун имконият яратилади.

Ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

— вилоят, туман, шаҳар ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг масъулиятини ошириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

— ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда Адлия, суд, прокуратура, Ички ишлар, солиқ, божхона, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини бирлаштириш учун Республика мувофиқлаштириш Кенгаши тузиш жуда муҳим;

— ҳар бир маҳалла корхона, ташкилот, муассасаларда қонун ҳужжатлари тўплами, ҳуқуқий-оммабоп адабиётлардан иборат ҳуқуқ бурчагини ташкил этиш.

## ИМКОНИЯТ ВА ЗАРУРАТ

Mulohaza, talab, taklif

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ



**Ғафур АБДУМАЖИДОВ,**
**Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори**

Халқимиз ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйган экан, бунинг учун аввало, қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини шакллантириш зарурлиги ҳар биримизга яхши маълум. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида"ги Фармони (1997 йил 25 июн) ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида"ги (1997 йил 22 июн) қарори жамиятимизда ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишларини янада ривожлантириш имкониятларини яратиб бергани билан муҳим аҳамият касб этди.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази тарғибот-ишларининг турли шаклларидан кенг кўламда фойдаланмоқда. Булар жумласига семинарлар ташкил этиш, маърузалар уюштириш, савол-жавоб кечалари ва турли суҳбатлар ўтказиш, ҳуқуқий мавзуда кўрик-танловлар, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш ва бошқалар киради. Албатта, ҳуқуқий тарғибот ишлари мавзу доираси кенг ва хилма-хил. Конституциядан тортиб, барча турдаги қонунлар, қарорлар, фармонлар, фармойишлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш , ўрганиш масалаларини ўз ичига олади. Бош мавзу сифатида Конституция моҳиятини тушунтириш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор берилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор**. Шунинг учун ҳам Конституцияни тарғиб этишга тажрибали ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи мутахассислар, Тошкент давлат юридик институти аспирант ва тадқиқотчилари жалб этилмоқда. Улар маҳаллалар, муассасалар, жамоат жойлари, олий ўқув юртлари ва мактабларда "Конституция — асосий қомусимиз", "Конституция ва демократия", "Ўзбекистон — ҳуқуқий демократик давлат", "Конституция ва ижтимоий ҳуқуқлар" каби ҳуқуқий мавзуларида маърузалар қилиб, савол-жавоб кечалари ўтказишмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Адлия вазирлигининг 2000 йил 15 августдаги "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар дастури" ижроси юзасидан кейинги тўрт йил ичида юзга яқин илмий-амалий семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази Адлия вазирлиги, Республика Олий суди, Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритилмоқда. "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари" (Хоразм), "Виждон эркинлиги: муаммолар, изланишлар ва тажриба" (Тошкент шаҳри), "Диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликнинг жамиятимиз тараққиётига таҳдиди" (Самарқанд), "Ислом дини ва ёшлар маънавияти" (Қашқадарё) мавзуларидаги илмий-амалий анжуманлар иштирокчиларда жуда катта таассурот қолдирди. Мазкур тадбирларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи ёшларнинг диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишдир.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Адлия вазирлиги, суд, прокуратура идоралари билан ҳамкорликда мактаб ва лицейларда "Сиз қонунни биласизми?" деб номланган кўрик танловларини доимий ўтказиб келмоқда. Бунда ўқувчилар ҳуқуқий соҳалар бўйича ўз билимларини намойиш этадилар. Танлов беш босқичда ўтказилади. Шу вақтгача бўлиб ўтган тадбирларда Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятлари ўқувчилари ғолибликни қўлдан бермай келмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларида жамоат муассасалари билан ҳамкорлик доимий равишда амалга ошириб келинмоқда. "Маънавият ва маърифат" Маркази, "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Республика хотин-қизлар қўмитаси, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан шу кунга қадар кўплаб семинар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни даврий адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказ "Адолат" нашриёти билан ҳамкорликда 2002 йилда "Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси" туркумида 20 номдаги рисола чоп этди. Шунингдек, Марказ газета ва журнал таҳририятлари билан узвий алоқа ўрнатган. Масалан, Бухоро вилоят минтақавий бўлими ходимларининг оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениеда чиқишлари айниқса, диққатга сазовор дейиш мумкин. Қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорлари юзасидан вилоятда махсус дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросига барча мутасадди ташкилотлар ва идоралар жалб этилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда ҳуқуқий мавзудаги тадбирлар сони 8 мингдан ошди. Вилоят адлия бошқармаси, судлар, Фуқаролик ҳолати далолатларини ёзиш бўлимлари ва уларнинг ҳузурида ташкил этилган маърузачи гуруҳ аъзолари томонидан маҳаллалар, қишлоқ фуқаро йиғинлари, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш юзасидан давра суҳбатлари ўтказилди.

Фарғона вилоят минтақавий бўлим ҳуқуқшунослари ҳам тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини таъминлашга эришмоқда. Бу ерда Конституцияга оид, Оила кодекси, Соғлом авлод дастури ва бошқа қонунларни ўрганиш бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ва тарғибот ойликлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. «Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари" мавзусидаги ҳуқуқий маърифат ойлиги айниқса самарали ўтди.

Санаб ўтилган ушбу тадбирлар ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишларнинг бир қисми, холос. Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди — вояга етмаган ёшларни Ватанга садоқат, давлатимиз қонунларини ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш, жиноятчиликка қарши курашиш, гиёҳвандлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бошқа кўплаб мавзулар ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг дастурларидан ўрин олган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш, мулоқот воситалари, шакллари ва усулларини такомиллаштириш учун ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ходимлари барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

# БУГУН ВА КЕЛАЖАК ДАХЛДОРЛИГИ



**Акмал БУРҲОНОВ,**
**магистрант**

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, уни шакллантириш ва либераллаштириш жараёни изчиллик билан кечмоқда. Жамиятимиз ҳаётини либераллаштириш борасидаги олдимизда турган вазифалар кўламини мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги нутқида аниқлаб бериб, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Ҳуқуқий маданиятни оширишда эса ҳуқуқий тарғибот ишларини кенг кўламда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг амалдаги қонунлар тўғрисидаги билимлари ва ҳуқуқий онгини ҳар томонлама ошириш, уларни ҳуқуқ тизими, қонунларнинг ҳар бир соҳасидаги асосий тамойил, қоида, меъёрлар билан умумий тарзда таништириш қонунчиликни мустаҳкамлашда кутилган самара бериши шубҳасиздир. Ҳуқуқий тарғиботни чуқур ва кенг кўламда олиб бориш ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонунларни ўзлаштириб боришда кутилган натижа беради.

Айтиш жоизки, қонунлар ва уларнинг ижроси бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланишини таъминлаш билан бирга жамият аъзоларининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини тартибга солади ҳамда фуқароларни юксак ғоявийлик руҳида тарбиялайди.

Барча фуқароларнинг ҳуқуқ меъёрларига риоя этиши, қонун талабларини бажариши, унга итоаткорлиги демократик фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти даражасини белгиловчи омиллардан биридир. Бунга эришиш эса халқ онгида қонунга ҳурмат, уни бузувчиларга муросасизлик ва адолатпарварлик ҳисларини доимий равишда тарбиялаб боришни тақозо этади. Бунинг учун каттаю-кичик инсон ҳуқуқнинг қайси тармоғи қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солишини яхши ўзлаштириб олиши зарур. Баъзида айрим фуқаролар "ҳуқуқим бузиляпти, ҳеч ким менга ёрдам бермаяпти", деб нолийди. Аслида улар қонунни билмаганликлари сабабли шундай ҳолатга тушган бўлишади. Ҳаётда бундай мисоллар жуда кўп учраб туради. Масалан, харидор дўкондан бирор маҳсулот харид қилганда, сотувчи унинг қўлига чек беради. Харидор эса бу чекни ўша жойнинг ўзида, нари борса, дўкондан чиқибоқ ташлаб юборади. У бу чек мазкур дўкондан маҳсулот сотиб олганини тасдиқловчи ҳужжат эканини билмайди. Уйга бориб қараса, харид қилган маҳсулоти сифатсиз. У дўконга қайтиб бориб, харид қилган маҳсулотни алмаштириб беришни сўрайди. Табиийки, сотувчи ундан чекни талаб қилади. Чексиз харидор эса бу вақтда ўзининг ҳақлигини исботлай олмайди.

Ёки яна бир энг кўп учраб турадиган мисоллардан бири — бир шахс иккинчи шахсга ҳеч қандай ёзма шартнома ёки гувоҳларсиз катта миқдорда қарз беради. Қарзни олган шахс эса олган қарзини қайтариб бермайди. Оқибатда қарз берган киши ёрдам сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этишга мажбур бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, агар бундай қарз шартномаси ёзма равишда тузилмаган ёки шартнома оғзаки шаклда гувоҳларсиз тузилган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари унга ҳеч қандай ёрдам бера олмайди.

Кўриниб турибдики, ҳаётда учраб турадиган бу каби муаммоларнинг асосий сабаби фуқароларнинг ҳуқуқий онгию, маданияти ҳали тўлалигича шаклланмаганидан далолат беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқий савияси, онги ва маданиятини янада ошириш учун қуйидаги таклифларни билдириб ўтмоқчимиз.

Аввало, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада давлатимиз қонунчилигида юз берган ҳар қандай янгилик — хоҳ у қонун, хоҳ ҳукумат қарори ёки маҳаллий идоранинг меъёрий ҳужжати бўлсин, вақт ажратиб, ўша корхона, муассаса ва ташкилот ходимларига уни ўқиб эшиттириш ҳамда моҳиятини тушунтириб бериш лозим. Чунки баъзан шундай ҳолатлар бўладики, қонунчиликда юз берган ўзгаришни ўша меъёрий ҳужжатни татбиқ этувчи мансабдор шахс ҳам ўз вақтида билмайди ва эски ҳужжат билан иш юритаверади.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарғибот ишларига амалиётчи-ҳуқуқшунослар, яъни суд, прокуратура, адвокатура, ички ишлар ва шунга ўхшаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари мумкин қадар кўпроқ жалб қилиниши керак. Чунки назариётчи-ҳуқуқшунослардан фарқли ўлароқ, улар амалиётдан мисоллар келтирган ҳолда, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатга риоя қилмаслик қандай оқибатларга олиб келишини тушунтириб бера оладилар.

Учинчидан, оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг етакчи ва раҳбар ходимлари билан давра суҳбатлари, интервьюлар уюштириб борилиши лозим.

Тўртинчидан, барча мактаб ва олий ўқув юртларида ҳуқуққа доир тўгарак, амалий машғулотлар ўтказишни кенг оммалаштириш зарур. Чунки инсонга ёшликдан ҳуқуқий тарбия бериш унинг тўғри ўсиб, улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, бешинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва қонунчиликни мустаҳкамлашда тарғибот ишларини кенгайтириш ҳамда халқ оммаси орасида демократик қонунларимизни чуқур тушунтириш ишлари ўз самарасини берувчи сиёсий тарбиявий тадбирлардан ҳисобланади. Ҳуқуқий билимларни ўқувчи ва талабалар томонидан яхши ўзлаштиришга эришиш ва аҳоли орасида ҳуқуққа оид билимларни кенг тарғибот қилиш демократик қонунларни яхши тушунтириб бориш ҳамда ана шу мақсадлар учун матбуот, радио, телевидениедан самарали фойдаланиш кутилган натижалар бериши шубҳасиздир. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, **юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир.**

Tahrirsiz maktub

# «ОДАМИЙЛИК ҚАНЧА ТУРАДИ?»

**Шу йилнинг 28 апрел куни пойтахтимиздаги Фарғона йўли кўчасидаги Толариқ бекатида турмуш ўртоғим Аҳмадали Маматхўжаевни оқ рангли "ВАЗ-2111" русумли 30 А-04-81 давлат рақамли (албатта буни кейинчалик билдик) машина ҳайдовчиси уриб юбориб, қочиб кетади. Автоҳалокат натижасида А. Маматхўжаев оғир тан жароҳати олиб, "Авиасозлар" шифохонасига ётқизилди. Тегишли идора ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ўн кундан сўнг турмуш ўртоғимни уриб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетган номаълум транспортнинг ҳайдовчиси Рафиқ Раҳимов эканлиги аниқланди. Шундан сўнг айбдор Р. Раҳимов келишиш мақсадида укасини уйимизга жўнатди. Унга "бўлар иш бўлди, нега акангиз қилар ишни қилиб, оғир аҳволдаги кишини ташлаб кетади. Унинг жароҳатланмаган жойи йўқ. Ўз вақтида ёрдам берганида аҳволи баттар оғирлашмасмиди", дедим. У эса "узр, ҳеч қаерга бу ҳақда шикоят қилмасангиз, эрингизни ўзимиз даволатамиз", дея ваъда бериб кетди. Мен эса бу гапларга чиппа-чин ишонибман. Бироз вақтдан сўнг ака-укалар "қўлингдан келганини қил", деб дўқ ҳам қила бошлади. Турмуш ўртоғим шифохонада тўққиз кун ётган бўлса-да, ҳеч қандай ўзгариш сезмади. Сўнгра 5-неврохирургия шифохонасида ҳам йигирма уч кун даволанди. Р. Раҳимов энди ҳафтада бир маротаба хабар оладиган бўлди. У тезда шифокор билан ҳам тил топишиб, оғир аҳволдаги беморни ўнинчи июн куни уйимизга жўнаттирворди. Шундан буён хабар олгани йўқ. Шифокор Абдужалил Намозовнинг "беморни уйга олиб кетинглар, нима, бу ер сизларга санаторийми?", дегани эса дард устига чипқон бўлиб тушди.**

**Мана, турмуш ўртоғим шу кунларда дори-дармонсиз қийналиб ётибди. Тўрт фарзандим отасининг соғайиб кетиши ва адолатнинг қарор топишида таҳририятдан мадад кутаман.**

**Дилобар МАМАТХЎЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

Jahon tajribasi

# ХАЛҚАРО СУД

## СИЗ У ҲАҚДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёдаги давлат ва халқлар орасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири саналади. Бугунги кунда дунёнинг 189 та давлати мазкур ташкилотга аъзо эканлиги ҳам унинг нуфузидан дарак беради.

Яна айтиш керакки, БМТ ўз фаолиятини дунёнинг 50 та мамлакати вакиллари иштирокида имзоланган Низом асосида олиб боради.

Энди бевосита ушбу Низом тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, унинг 1-моддасида фаолиятнинг асосий ва устувор йўналишлари белгиланган. Унда халқаро тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш, дунё халқлари ўртасида осойишталикни ўрнатиш, тинчлик, инсоният ҳаётига тажовуз соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз курашиш, хавфсизликка таҳдид қиладиган халқаро низоларни дипломатик йўл билан халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этиш каби қоидалар ўз ифодасини топган. БМТ ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, васийлик бўйича кенгаш, халқаро суд ҳамда Котибият сингари асосий органлари орқали амалга оширади. Халқаро суд, бошқача айтганда, жаҳон суди ҳам БМТнинг асосий суд органи саналиб, у халқаро шартнома ва битимлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ўзига хос ўрин тутади. Шуни айтиш жоизки, халқаро суд 1945 йилда ташкил топган бўлиб, у Нидерландиянинг ГААГА шаҳрида жойлашган. Халқаро суд таркиби Бош Ассамблея ва Хавфсизлик кенгаши томонидан сайланадиган 15 нафар судьядан иборат. Судьялар 9 йил муддатга сайланади ва улар қайта сайланиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Бундан ташқари, халқаро суд судьялигига номзод этиб кўрсатилган шахс қайси мамлакат фуқароси бўлишидан қатъи назар, ахлоқий жиҳатдан етук, шу билан бирга халқаро ҳуқуқ соҳасида талаб даражасида билим ҳамда тажрибага эга бўлиши керак. Яна шуни қайд этиш жоизки, халқаро суд таркибидаги судьяларнинг учдан бир қисми ҳар йили қайта сайланиб турилади. Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: халқаро суднинг ваколатлари нималардан иборат? У қандай низоюю масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга? Халқаро суд раиси, унинг ўринбосари ва котиб уч йил муддатга сайланади. Эътиборли жиҳати шундаки, халқаро суд таркиби бир мамлакатнинг икки фуқароси судья сифатида сайланишига йўл қўймайди. Шунингдек, халқаро судга унга аъзо давлатлар билан бир қаторда аъзо бўлмаган давлатлар ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун эса фақат ташкилотнинг Хавфсизлик кенгаши тавсиясига биноан Бош Ассамблеянинг рухсати талаб қилинади. Фақат халқаро судга жисмоний шахс, яъни фуқаролар якка тартибда мурожаат қила олмайди. Бунинг сабаби халқаро суд давлатлараро одил судловни амалга ошириш билан изоҳланади.Шуни айтиш жоизки, халқаро суднинг ваколатлари унинг статутида аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, халқаро суд ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқиб, ҳал этиш, аъзо бўлмаган давлатлар бўйича Хавфсизлик кенгаши томонидан ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида аниқланган шартлар асосида иш юритиш, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат-хулосалар бериш, дунё сиёсати майдонида юзага келган муаммо ҳамда келишмовчиликларни кўриб чиқиб, тавсия шаклида ажрим ёки қарор чиқариш ҳуқуқига эгадир.

Шу билан бирга халқаро суд ваколати доирасидаги масалаларни ҳал этишда қуйидаги ҳуқуқий манбаларга таянади:

1. Халқаро конвенциялар;
2. Халқаро пактлар;
3. Дунё халқлари томонидан қабул қилинган умумҳуқуқий тамойиллар;
4. Суд қарорлари;
5. Таниқли мутахассисларнинг доктриналари

Бундан ташқари, БМТ халқаро суди статутининг 38-моддасида таъкидланишича, ҳуқуқий меъёрларни таърифлаш учун ёрдамчи восита сифатида турли миллатларнинг оммавий ҳуқуқ соҳасидаги энг малакали мутахассисларнинг доктриналари қўлланилади. Халқаро ҳуқуқ доктриналари деганда, ҳуқуқшуносларнинг муайян масала юзасидан қарашлари ва концепциялари тизими тушунилади. Бу ўз навбатида халқаро шартнома лойиҳаларини ҳамда халқаро ташкилотлар қарорларини ишлаб чиқиш, халқаро ҳуқуқий меъёрларни тўғри изоҳлаш ҳамда амалда татбиқ этишга ёрдам беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро суд ҳуқуқий маслаҳатлар фаолиятини ҳам олиб боради. Шу билан бирга, халқаро суд мажбурий кучга эга бўлмаган консультатив хулосалар бериш ҳуқуқига ҳам эга. Бундай консультатив хулосаларнинг аҳамияти шундаки, баъзан халқаро шартнома ва битимларда манфаатдор томонлар учун ўзаро келишмовчилик юзага келган тақдирда, халқаро суднинг консультатив хулосаси ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Шунингдек, Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши ва БМТнинг бошқа органлари консультатив хулосаларни бевосита сўраш ҳуқуқига эгадир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бошқа халқаро ташкилот ва органлар бундай хулосани фақат Бош Ассамблея рухсати билан сўраши мумкин. БМТ низомининг 36-моддаси 3-бандига кўра, Хавфсизлик кенгаши ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун умумий қоидадан келиб чиқиб, халқаро судга мурожаат қилиши мумкин. Халқаро суднинг у ёки бу масала юзасидан чиқарган қарори ўзаро низоли бўлган давлатлар томонидан бажарилиши шарт. Мабодо томонлардан бири суд қарорини бажармаса ёки бажаришдан бўйин товласа, даъвогар давлат тегишли тартибда халқаро судга қайта мурожаат қилиши мумкин. Шундан сўнг Хавфсизлик кенгаши қарорнинг бажарилиши юзасидан тавсия ёки хатти-ҳаракатлар қўллаши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунга келиб халқаро суд давлатлар ўртасидаги келишмовчилик ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқларнинг дахлсиз ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилувчи асосий органлардан бирига айланди.

**Суюн ЧОРИЕВ,**
**Ҳусан ТУРСУНОВ**

